

УДК 632.51

**“КУЗГИ БУҒДОЙНИНГ ЎСИБ-РИВОЖЛАНИШ ДАВРИДА БЕГОНА ЎТЛАРГА
ҚАРШИ ГЕРБИЦИДЛАРНИ ҚЎЛЛАШ”**

Самыхов Ажинияз Памирович

1 агрономия мутахассислиги магистри

Ажиниязова Мехрибан Койлыбаевна

*қ.х.ф.ф.д. orcid 0009-0007-5451-2676 Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва
агротехнологиялар институти Тел: +99890 658 58 39 e-mail: mexkkuzb@mail.ru*

Аннотация: Қишлоқ хўжалиги экинлари етиштириладиган майдонларда бегона ўтлар турлари жуда кўп бўлиб, уларнинг биологик хусусиятлари, ўсиш шароити, ривожланиш даври ҳамда тарқалиш усуллари ўзаро фарқ қилади. Бу ҳолат эса фермер хўжаликлари учун юқори ва сифатли дон ҳосили олиш жараёнида бегона ўтларга қарши самарали курашишни мураккаблаштиради. Агар бегона ўтларга қарши кураш чоралари ўз вақтида ва тўғри ташкил этилмаса, улар қисқа вақт ичида жадал ўсиб, экин майдонини тўлиқ эгаллаб олади. Натижада, қишлоқ хўжалик экинларини етиштириш имконияти сезиларли даражада камайиши, ҳатто айрим ҳолларда бутунлай йўқолиши мумкин.

Калит сўзлар: бегона ўт, экин, дон, ҳосил, гербицид, қарши кураш, самарадорлик.

Аннотация: На полях, где выращиваются сельскохозяйственные культуры, много видов сорняков, и их биологические особенности, условия произрастания, период развития и способы распространения различаются. Это затрудняет эффективную борьбу с сорняками в процессе получения высокого и качественного урожая зерна для фермерских хозяйств. Если меры борьбы с сорняками не организованы своевременно и правильно, они быстро разрастаются и полностью занимают посевные площади. В результате возможности выращивания сельскохозяйственных культур могут быть значительно снижены, а в некоторых случаях могут быть полностью утрачены.

Ключевые слова: сорняк, культура, зерно, урожай, гербицид, борьба, эффективность.

Abstract: There are many types of weeds in agricultural crop fields, and their biological characteristics, growing conditions, development periods, and distribution methods differ from each other. This situation makes it difficult for farms to effectively control weeds in the process of obtaining high and quality grain yields. If weed control measures are not organized in a timely and proper manner, they will rapidly grow and completely occupy the sown area in a short time. As a result, the possibility of growing agricultural crops will significantly decrease, and in some cases, may be completely lost.

Key words: weed, crop, grain, harvest, herbicide, control, effectiveness.

КИРИШ

Бегона ўтлар маданий экинларга нисбатан ёруғлик, иссиқлик, сув ва озуқа моддаларини 2–3 баробар кўпроқ ўзлаштириши натижасида тупроқ унумдорлигини пасайтиради. Шу билан бирга, улар экинларнинг нормал ўсиши ва ривожланишига салбий таъсир кўрсатиб, ҳосилдорликнинг камайишига сабаб бўлади. Тадқиқотларга кўра, бегона ўтлар тарқалган майдонларда ҳосилдорлик одатда 10–20 фоизга, кучли зарарланган ерларда эса 40–50 фоизгача камайиши мумкин. Шу сабабли экин майдонларида бегона ўтларга қарши самарали кураш чораларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этиш муҳим аҳамият касб этади [4; 2].

Айрим илмий тадқиқотларда экин майдонларида бегона ўтларга қарши гербицидларни алоҳида қўллаш билан боғлиқ харажатларни камайтириш ҳамда уларнинг таъсир самарадорлигини ошириш мақсадида бир неча гербицидларни бир вақтнинг ўзида қўллаш ижобий натижа бериши қайд этилган [3; 1].

Ш.Х. Ризаевнинг тадқиқотларида [1] Зарафшон воҳасининг қуйи қисмида жойлашган кузги буғдой майдонларида учрайдиган бир ва кўп йиллик бегона ўтларга қарши гербицидлар қўллаш самарадорлиги ўрганилган. Ушбу тадқиқот натижаларига кўра, Гранстар 75% ДФ – 15 г/га ва Пума Супер 7,5% – 0,8 л/га меъёрларида қўлланилганда 63,4–67,2 ц/га миқдорида юқори дон ҳосили олишга эришилган.

Шу боис қишлоқ хўжалиги экинларига зарар етказувчи бегона ўтларни чуқур ўрганиш ва уларга қарши кураш чораларини илмий асосда тўғри ташкил этиш муҳим аҳамият касб этади.

Бизнинг дала тажрибаларимиз Қорақалпоғистон қишлоқ хўжалиги ва агротехнологиялар институтининг Нукус тумани тажриба майдонларида, ўртача шўрланган ўтлоқи-аллювиал тупроқлар шароитида олиб борилди. Тажрибада қуйидаги вариантлар қўлланилди: назорат (гербицид қўлланилмаган ҳолат), Серто Плюс 75% – 100 г/га, Серто Плюс 75% – 150 г/га, Клодимекс 8% – 0,3 л/га, Клодимекс 8% – 0,4 л/га, Серто Плюс 75% – 100 г/га + Клодимекс 8% – 0,3 л/га, ҳамда Серто Плюс 75% – 150 г/га + Клодимекс 8% – 0,4 л/га меъёрларида. Гербицидлар тажриба схемасига мувофиқ тарзда қўлланилди.

Кузги буғдой майдонларида гербицидларнинг самарадорлигини баҳолаш мақсадида тажриба майдонидаги бегона ўтларнинг тур таркиби ва сони гербицидлар қўлланилишидан олдин, шунингдек улар қўлланилгандан кейин 10, 20 ва 30 кун ўтгач ҳисобга олинди.

Олинган натижаларга кўра, гербицидларнинг биологик самарадорлиги таҳлил қилинганда, Серто Плюс 75% гербициди 100–150 г/га меъёрларда қўлланилган 2–3-вариантларда бир йиллик икки паллали бегона ўтларни 83,3–90,1 % гача йўқотгани аниқланди. Бироқ ушбу гербицид бир паллали бегона ўтлар ва кўп йиллик турлардан шўражриқ (ажриқ)га деярли таъсир

кўрсатмаган. Шу билан бирга, кўп йиллик икки паллали бегона ўтларга қарши самарадорлик гербицид меъёрларига мос равишда 76,4–83,3 % ни ташкил этган.

Тажрибаларда Клодимекс 8% гербициди 0,3–0,4 л/га меъёрларда қўлланилган 4–5-вариантларда эса, бир паллали бошоқли бегона ўтларга қарши таъсири юқори бўлиб, самарадорлик 83,5–89,1 % ни ташкил этган. Шунингдек, экин майдонларига катта зарар етказувчи кўп йиллик бегона ўтлардан шўражриқ (ажриқ) миқдори 31,4–35,2 % га камайгани кузатилди. Бироқ ушбу гербицид бир йиллик ва кўп йиллик икки паллали бегона ўтларга сезиларли таъсир кўрсатмагани тажрибалар давомида қайд этилди.

Тажрибанинг 6-вариантида Серто Плюс 75 % – 100 г/га ва Клодимекс 8 % – 0,3 л/га меъёрларидаги гербицидлар биргаликда қўлланилганда, тажриба майдонидаги бир йиллик бир паллали бегона ўтлар 86,3–88,6 %, икки паллали бегона ўтлар 85,4–92,1 % гача нобуд бўлгани аниқланди. Шунингдек, кўп йиллик бегона ўтлар миқдори 80,3–82,4 % гача камайиб, юқори биологик самарадорлик таъминланган. Бироқ қўлланилган гербицид турлари ва меъёрлари кўп йиллик илдизпояли шўражриқ (ажриқ)га нисбатан кам самарадорлик кўрсатиб, унинг камайиши 36,3 % ни ташкил этди.

Гербицидлар юқори меъёрларда, яъни Серто Плюс 75 % – 150 г/га ва Клодимекс 8 % – 0,4 л/га қўлланилган 7-вариантда бегона ўтларнинг нобуд бўлиш даражаси 6-вариантга нисбатан деярли фарқ қилмади. Биологик самарадорлик кўрсаткичлари ўртасидаги фарқ атиги 0,5–3 % ни ташкил этди.

Тажрибаларда олинган маълумотларга кўра, гербицид қўлланилмаган назорат вариантыда буғдой ўсимликларининг ўртача бўйи 81,4 см ни ташкил этди. Умумий поялар сони 412,4 дона/м², маҳсулдор поялар сони эса 241,4 дона/м² бўлган. Гербицид меъёрлари ўртасида буғдой ўсимликларининг бўйи, умумий ва маҳсулдор поялар сонига таъсири жиҳатидан катта фарқ кузатилмаган бўлса-да, гербицид турлари ўртасида маълум даражада фарқлар қайд этилди.

Олинган натижаларга кўра, Серто Плюс 75% (100–150 г/га) ва Клодимекс 8% (0,3–0,4 л/га) гербицидлари алоҳида қўлланилган вариантларда кузги буғдойнинг ўсимлик бўйи, умумий ва маҳсулдор поялар сони назорат вариантыга нисбатан юқори бўлган. Хусусан, ўсимлик бўйи 7,3–9,7 см га, умумий поялар сони 21,1–55,9 дона/м² га, маҳсулдор поялар сони эса 43,7–62,0 дона/м² га кўпайгани аниқланди. Энг юқори кўрсаткичлар гербицидлар Серто Плюс 75% – 100 г/га ва Клодимекс 8% – 0,3 л/га меъёрларида биргаликда қўлланилган вариантда қайд этилди.

Бир ва кўп йиллик бегона ўтлар билан зарарланган кузги буғдой майдонларида олиб борилган тажрибалар натижалари шуни кўрсатдики, буғдойнинг тупланиш даврида қўлланилган гербицид турлари ва меъёрлари ҳосил элементларининг шаклланишига турлича таъсир кўрсатади.

Тажриба майдонида тарқалган бир йиллик бир ва икки паллали бегона ўтларга қарши курашишда кузги буғдой тупланиш фазасида Серто Плюс 75% – 100 г/га + Клодимекс 8 % – 0,3 л/га ҳамда Серто Плюс 75 % – 150 г/га + Клодимекс 8 % – 0,4 л/га меъёрларида биргаликда қўлланилганда буғдой ҳосил элементларининг шаклланишига ижобий таъсир кўрсатган. Натижада ўсимлик бўйи 1,2–1,4 см га, бошоқдаги донлар сони 3,5–3,7 донага, бир бошоқдаги дон оғирлиги 0,17–0,18 г га ҳамда 1000 дон дон оғирлиги 1,2–1,6 г га ортиқ бўлгани аниқланди ва бегона ўтларга қарши қўлланилган гербицидлар дон ҳосилига ҳам турлича таъсир кўрсатган. Тажриба натижаларига кўра, Серто Плюс 75 % – 100 г/га + Клодимекс 8 % – 0,3 л/га ва Серто Плюс 75 % – 150 г/га + Клодимекс 8 % – 0,4 л/га меъёрларида аралашма ҳолда қўлланилган вариантларда энг юқори дон ҳосили олинган. Ушбу вариантларда олинган дон ҳосили гербицид қўлланилмаган назорат вариантыга нисбатан 14–15 ц/га га юқори бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, Қорақалпоғистоннинг ўртача шўрланган ўтлоқи-аллювиал тупроқлари шароитида кузги буғдой майдонларида кенг тарқалган бир йиллик бир ва икки паллали бегона ўтлар билан зарарланган участкаларда баҳор мавсумида, буғдойнинг тупланиш фазасида гербицидларни қўллаш юқори самара беради. Жумладан, Серто Плюс 75 % – 100 г/га ва Клодимекс 8 % – 0,3 л/га меъёрларида биргаликда аралашма ҳолда бир марта қўллаш бегона ўтларнинг асосий қисмини самарали равишда йўқ қилишга хизмат қилади. Натижада экин майдони бегона ўтлардан анча тозаланиб, кузги буғдойнинг нормал ўсиши ва ривожланиши учун қулай шароит шаклланади. Бу эса, ўз навбатида, юқори ва сифатли дон ҳосили етиштириш имкониятини таъминлайди.

ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. Ажиниязова, М. К., Узакбаева А. М. К. (2025). ПРИМЕНЕНИЕ И ВЛИЯНИЕ ГЕРБИЦИДОВ НА УРОЖАЙНОСТЬ ЗЕРНА ОЗИМОЙ ПШЕНИЦЫ В НЕВЕГЕТАЦИОННЫЙ ПЕРИОД В УСЛОВИЯХ СРЕДНЕЗАСОЛЕННЫХ ПОЧВАХ РЕСПУБЛИКИ КАРАКАЛПАКСТАН. Вестник Ошского государственного университета. Сельское хозяйство: агрономия, ветеринария и зоотехника, (1 (10)), 23-28.

2. Ризаев Ш.Х. Зарафшон воҳаси ғаллазорларида тарқалган бегона ўтлар, уларга қарши агротехник ва кимёвий курашиш тадбирларининг самарадорлиги. Қ.х.ф.д. (DSc) дисс.автореферати. Тошкент: 2018. 58 б.

3. Тешабаев Ш.А. Ғўза-ғалла навбатлаб экиш тизимида бегона ўтларга қарши самарали кураш технологиясини такомиллаштириш (Андижон вилоятининг оч тусли бўз тупроқлари мисолида). Қ.х.ф.ф.д. (PhD), дисс. автореферати. Тошкент: 2020. 43 б.

4. Уракченцева Г.В. Эффективность гербицидов против Латука Татарского // Ж. Защита и карантин растений. М., 2012.- № 6 С. 25-26.
5. Церетели И.С. Гербициды в посевах кукурузы // Защита и карантин растений. М., 2014. № 5. С. 44.
6. Koyli'baevna, A. M. (2025, November). QORAQALPOG 'ISTONNING TUPROQ VA IQLIM SHAROITLARINING O'SIMLIK LARNING KO 'PAYISHIGA TA'SIRI. In Conferences (Vol. 1, No. 4, pp. 243-245).
7. Койлибаевна А.М. (2025, ноябрь). QORAQALPOG 'ISTON HUDUDLARIDA SUV TANQISLIGI SHAROITIDA QISHLOQ XO 'JALIGI EKINLARINI SUG 'ORISHNING MAQBUL REJIMLARINI ISHLAB CHIQISH. В конференциях (т. 1, № 4, стр. 246-247).
8. Yeshanovich, U. A., & Uzakbaevich, A. B. (2025). GENETIC ANALYSIS OF FIBER QUALITY TRAITS IN F1 HYBRIDS DERIVED FROM MEXICAN AND US COTTON ACCESSIONS AND LOCAL VARIETIES. AMERICAN JOURNAL OF EDUCATION AND LEARNING, 3(4), 643-649.